

FUNDAMENTAL TADQIQOTLAR JURNALI

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ТУГАЛОВ Темурбек Абдурахмон ўғли

Стратегик таҳлил ва истиқболни

белгилаш олий мактаби

магистр тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14887301>

ЎЗБЕКИСТОНДА БОЖХОНА ИМТИЁЗЛАРИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада божхона органлари томонидан божхона тўловларидан қўлланилаётган имтиёзларнинг таҳлили, имтиёзларни тақдим этувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимли равишда таҳлил қилиб бориш ҳамда юзага келаётган айрим муаммоли ҳолатларни хорижий давлатлар тажрибаларни ўрганган ҳолда такомиллаштиришга бағишланади.

Калит сўзлар: божхона тўловлари, имтиёзлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Президентнинг ҳужжатлари, қабул қилиш, халқаро шартномалар, давлат бюджети.

СИСТЕМА ТАМОЖЕННЫХ ЛЬГОТ В УЗБЕКИСТАНЕ ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ

ANNOTATION

This article is devoted to the analysis of the benefits applied by customs authorities for customs payments, systematic analysis of regulatory legal acts providing benefits, as well as improvement of some emerging problematic situations based on the study of foreign countries' experience.

Keywords: customs payments, benefits, regulatory legal acts, acts of the President, acceptance, international treaties, the state budget.

THE SYSTEM OF CUSTOMS PRIVILEGES IN UZBEKISTAN WAYS TO IMPROVE


АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена анализу применяемых таможенными органами льгот по таможенным платежам, систематическому анализу нормативно-правовых актов, предоставляющих льготы, а также совершенствованию некоторых возникающих проблемных ситуаций на основе изучения опыта зарубежных стран.

Ключевые слова: таможенные платежи, льготы, нормативно-правовые акты, акты Президента, акцепт, международные договоры, государственный бюджет.

Бугунги кунда ташки иқтисодий фаолият иштирокчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш натижасида улар томондан Ўзбекистон Республикасига импорт қилинаётган товарларга нисбатан божхона тўловларидан бериладиган имтиёзлар амалдаги қонунчиликка мувофиқ тақдим этиладиган энг муҳим имтиёз турларидан ҳисобланади [1].


2024 йил давомида божхона органлари томонидан давлат бюджетига **58,7 трлн сўм** божхона тўловлари ундирилиши таъминланган бўлса, тадбиркорлик субъектларига нисбатан божхона тўловларидан қўлланилган **имтиёзлар жами 52,6 млрд сўмни** ташкил этиб ўтган 2023 йилга нисбатан 5 млрд ёки 9 %га кам қўлланилган.



1-расим. Божхона тўловлари бўйича қўлланилган имтиёзлар (млрд сўмда)

Бу имтиёзларни тақдим этувчи меъёрий-ҳуқуқи ҳужжатларни такомиллаштириш ва коррупсиявий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган рақамлаштириш билан изоҳланади.


Қўлланилган имтиёзларлар Божхона Кодекси 296-моддасига асосан имтиёз турлари кесимида таҳлил қилинганда шундан, божхона божидан **33,4 млрд ёки** жами имтиёзларнинг **63,4 %**, акциз солиғи **204,7 млн ёки 3,9%**, қўшилган қиймат солиғидан **18,9 млрд ёки 35,9 %** ҳамда божхона йиғими **13,1 млн ёки 2,4%** миқдорида имтиёзлар қўл



2-расм. 2021-2024 йиллар давомида қўлланилган имтиёз турлари (млн сўмда)

Ўзбекистон Республикаси қонунларда белгиланган халқаро шартномалар (жами 10 та) доирасида 2024 йилда 6,4 млрд сўм (2023 йил 6,4 млрд, 2022 йил 6,08 млрд) миқдорда имтиёзлар қўлланилиб, асосий имтиёз улуши божхона божидан 5,7 млрд сўмни ташкил қилади.

Халқаро шартномалар асосида қўлланилган имтиёзларни 2021 – 2024 йиллар кесимида таҳлил қилинганда 1994 йилда тузилган халқаро шартномаларнинг ҳозирги кунда ҳам амалдалиги, энг охириги келишилган шартноманинг қабул қилинганлигига ҳам 4 йил (2021 йил) бўлганлиги маълум бўлди.




3-расм. Халқаро шартномалар таҳлили

Ҳозирги вақтда ривожланиб бораётган жаҳон иқтисодиёти ва унга интеграциялашув жараёнида шартномаларни қайта кўриб чиқиш ва имтиёзларни назарда тутувчи бандларини замон талабларидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ исобланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида йил давомида 912,9 млн сўм миқдорда божхона имтиёзлар қўлланилиб, бу 2023 йилга нисбатан 1.1 баробарга ёки 148,1 млн сўм кўп имтиёзларнинг қўлланилганлигини билдиради. Бунда божхона божидан 274,7 млн сўм, қўшилган қиймат солиғидан 633,3 млн сўм ва қолган имтиёзлар ҳиссасига тўғри келади.

Бундан ташқари, Солиқ ва Божхона Кодекслари асосида қўлланилган божхона имтиёзлари 15,8 млрд сўм шундан; Солиқ кодексига асосан - 11,2 млрд, Божхона кодексига асосан - 4,6 млрд сўмни ташкил этиб, жами қўлланилган божхона имтиёзларнинг 30%ни ташкил этади [3].




4-расм. Солиқ ва Божхона Кодексларига асосан қўлланилган имтиёзлар таҳлили (млн сўмда)

2024 йилда ўтган йилнинг шу йўналишда қўлланилган имтиёзларни статистик таҳлил ёрдамида солиштирганимизда Солиқ кодексидан 1.3 баробарга, Божхона кодексидан 1.0 баробарга кам имтиёзларнинг қўлланилиши эндиликда тақдим этилаётган имтиёзларда муддатларининг аниқ қилиб белгилаб берилиши имтиёзларни мақсадсиз фойдаланилишини олдини олишга ёрдам бермоқда.

Маълумот учун: Имтиёзларни тақдим этишининг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи нормаларнинг Божхона ва Солиқ кодексларида кўрсатилган талабларга мувофиқ эмаслиги амалиётда уларни қўллашда турли ёндашувларни келтириб чиқармоқда. Хусусан, БК ҳамда “Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3756-сон қарорга асосан вақтинчалик имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилиши белгиланган. Бироқ шунга қарамадан имтиёзларни муддатсиз тарзда тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўллаш давом этиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси **Президентининг ҳужжатлари** асосида қўлланилган божхона имтиёзлари жами 28,13 млрд (26,2 млрд) сўмни ёки жами божхона имтиёзларининг 53%ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1.1 баробарга ёки 1,93 млрд сўм кўп божхона имтиёзлари қўлланилган [4].



5-расм. Президент ҳужжатлари асосида қўлланилган божхона имтиёзлари таҳлили (млн сўмда)

Президент ҳужжатлари асосида тақдим этилган имтиёзлар фармон, фармойиш ва қарор асосида таҳлил қилинганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари асосида - 9,97 млрд (9,77 млрд) сўм, фармойишлари асосида - 4,23 млрд (77 млн) сўм ҳамда қарорлар асосида - 13,9 млрд (15,8 млрд) сўм божхона имтиёзлари тадбиркорилик субъектларига нисбатан қўлланилган [5].

Энг кўпи Президент қарорлари асосида қўлланилган имтиёзлар таҳлил қилинганда асосан иқтисодиётнинг муҳим соҳаларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий соҳа тармоқларни янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Бундан ташқари йил давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган божхона имтиёзлари 5,8 млрд сўм ёки жами имтиёзларнинг 10% миқдорида ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1.0 баробарга ёки 850 млн сўмга кўп божхона имтиёзлари қўлланилган.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодексига мувофиқ божхона тўловларидан қўлланиладиган божхона имтиёзларни тақдим этиши Божхона ва Солиқ кодекслари, қонунлар ва Президент ҳужжатлари асосида тақдим этилиши белгилаб ўтилган.

Тақдим этилган имтиёзлар таҳлил қилинганда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида йил давомида - 5,3 млрд сўм (4,7 млрд) ҳамда Вазирлар Маҳкамаси фармойишлари асосида 304 млн сўм (249 млн) миқдоридаги божхона имтиёзларни қўллаш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган [6].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, имтиёзларни самарали қўллаш ва уларни назорат қилиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Юқорида келтирилган ҳолатлар бўйича ўз вақтида чора-тадбирлар амалга оширилмаслик имтиёзларнинг мақсадсиз қўлланишига ва давлат бюджетига пул маблағларининг ўз вақтида келиб тушмаслигига олиб келади.

Шундан келиб чиқиб, айрим имтиёзлар бўйича қуйидаги тавсиялар илгари сурилади:

- иқтисодиётда соғлом рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатувчи индивидуал имтиёзлар қўллашнинг олдини олиш мақсадида.

- имтиёзларни қўллаш назарда тутилган товарлар рўйхати ҳар йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига божхона органлари томонидан таклифлар киритиб бориш. Натижада Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган товарларга Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарори, фармойиши ҳамда алоҳида топшириқлар бўйича берилган божхона тўловларидан имтиёзлар қўлланилишини олдини олиш.

- имтиёзларни мониторинг қилиш имкониятини яратувчи ягона платформа ишлаб чиқиш ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан ўзаро ҳамкорликда ишлар олиб бориш. Бунда ҳар бир вазирлик ва идоралар томонидан киритилаётган маълумотларнинг турлари ва уларнинг ҳаққонийлиги юзасидан жавобгарликни назарда тутувчи қатъий нормаларни тасдиқлаш лозим.

ИҚТИБОСЛАР. REFERENCES. СНОСКИ.

1. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги 77-ИИ-сон Қонуни. (янги таҳрири)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги “Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5755-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги “Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3512-сон Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги “Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3756-сон Қарори.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18-октябрдаги “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги ЎРҚ-502-сон Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3818-сон қарорига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги 02.10.2019 ПҚ-4470-сон Қарори.